

АВТОТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИНИ ЎГИРЛАШ ВА ОЛИБ ҚОЧИШ ЖИНОЯТИНИНГ ҲОЗИРГИ ЗАМОН ҲОЛАТИ ҲАМДА ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ТЕЗКОР БЎЛИНМАЛАРИНИ МАЗКУР ЖИНОЯТГА ҚАРШИ КУРАШИШДАГИ ЎРНИ

Зарипов Дишиод Невъматович

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Магистратураси тингловчиси

Аннотация. Мақолада транспорт воситасини ўғирлаш ва олиб қочиш жиноятиниң ижтимоий хавфлилиги, ҳозирги замон ҳолати ҳамда ички ишлар органлари тезкор бўлинмаларининг автотранспорт воситалари ўғирланиши ва олиб қочиш жиноятига қарши курашиш фаолиятининг долзарб масалалари илмий жиҳатдан кўриб чиқилган. Шунингдек, ҳозирда транспорт воситасини ўғирлаш ва олиб қочиш жиноятири содир этилишига сабаб бўлаётган омиллар аниқланиб, уларни бартараф этиш бўйича таклиф ва тавсиялар берилган. Бундан ташқари муаллиф томонидан мазкур жиноят учун қонунчиликда белгиланган нормадаги камчиликлар юзасидан таклифлар берилган.

Калит сўзлар: транспорт воситаси, ўғирлик, олиб қочиш, талон-тарож қилиш, ўзбошимчалик, ижтимоий хавфлилик, ички ишлар органлари тезкор бўлинмалари.

СОВРЕМЕННОЕ СОСТОЯНИЕ ПРЕСТУПЛЕНИЙ ПО КРАЖАМ И ПОХИЩЕНИЯМ ТРАНСПОРТНЫХ СРЕДСТВ И РОЛЬ ОПЕРАТИВНЫХ ПОДРАЗДЕЛЕНИЙ ОРГАНОВ ВНУТРЕННИХ ДЕЛ В БОРЬБЕ С ЭТИМ ПРЕСТУПЛЕНИЕМ

Аннотация. В статье рассматриваются социальные опасности кражи и угона транспортных средств, современная ситуация и актуальные вопросы деятельности оперативных подразделений органов внутренних дел по борьбе с преступлениями кражи и угонами транспортных средств. Также были выявлены существующие факторы, которые в настоящее время вызывают совершение преступления по угону и выселению транспортных средств, внесены предложения и рекомендации по их устранению. Кроме того, автор выявил недостатки в норме, установленной законодательством для данного преступления, и предложил их устраниить.

Ключевые слова: Транспортное средство, кража, угон, хищения, самоуправство, общественной опасности, оперативные подразделения органов внутренних дел.

THE CURRENT STATE OF CRIMES OF THEFT AND STEALTH OF VEHICLES AND THE ROLE OF THE OPERATING DIVISIONS OF THE INTERNAL AFFAIRS IN THE FIGHT AGAINST THIS CRIME

Annotation. The article deals with the social dangers of theft and theft of vehicles, the current situation and topical issues of the activities of the operational units of the internal affairs bodies to combat crimes of theft and theft of vehicles. Also, the existing factors that currently cause the commission of a crime of theft and eviction of vehicles were identified, proposals and recommendations were made to eliminate them. In addition, the author identified shortcomings in the norm established by law for this crime, and proposed to eliminate them.

Keywords: Vehicle, theft, hijacking, embezzlement, arbitrariness, public danger, operational units of the internal affairs bodies.

Бизга маълумки, жиноятчиликка қарши кураш, унинг олдини олиш жамият тараққиётининг ҳар бир босқичида инсоният олдида турган энг долзарб муаммолардан бири бўлган. Чунки, ҳар бир содир этилган жиноят, ҳар бир ҳуқуқбузарликнинг содир этилиши маълум даражада шахсга, унинг қонуний манфаатларига, жамият ва давлат тараққиётига, нормал ҳаёт тарзига салбий таъсир этади, моддий ёки маънавий зарар етказади. Айниқса, жамиятимиз ривожланиши билан бир каторда, жиноятчиликнинг ҳам ўсиб, такомиллашиб бораётганлиги, уларга қарши кураш самарадорлигини оширишда жиддий муаммоларни келтириб чиқармокда. Шунинг учун ҳам, бугунги кунда ички ишлар органларининг жиноятчиликка қарши кураш, унинг олдини олиш ва очиш билан боғлиқ асосий фаолиятини тубдан янгилаш, уни замон талаблари даражасига олиб чиқиши ва такомиллаширишни давр талаби деб баҳолаб, уни амалга ошириш чораларини кўришимиз зарур. Албатта, юқорида қайд этилган талаблар бевосита ички ишлар органлари ходимларининг транспорт воситаларини олиб қочиши жиноятларига қарши кураш билан боғлиқ вазифаларига ҳам бевосита таълуклидир. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, транспорт воситаларини олиб қочиши жиноятларининг бугунги кунда амалиётда кўплаб содир этилаётганлиги, ички ишлар органлари олдига ушбу турдаги жиноятларга қарши кураш вазифасини кучайтириш талабини қўяди.

Сўнгти йилларда содир этилган транспорт воситаларни олиб қочиши жиноятлари билан боғлиқ статистик маълумотларни таҳлил қилишимиз, бевосита ушбу турдаги жиноятларининг ҳозирги замон ҳолатига ҳуқуқий баҳо беришимизга имкон яратади. Жиноятга оид статистик маълумотларнинг жиноятчиликка қарши курашдаги муҳим аҳамияти шундаки, белгиланган худудда маълум вақт оралиғида қайси турдаги жиноятлар нисбатан кўпроқ содир этилса, ички ишлар органлари ходимлари ҳам ана шу турдаги жиноятларни олдини олиш, уларга қарши курашни кучайтириш мақсадида кўшумча куч ва воситаларни жалб қиласи ҳамда тегишли чораларни қўради.

Қисқача қилиб айтганда, жиноятга оид статистик маълумотлардан келиб чиқиб, ички ишлар органлари ходимларининг бўлғуси фаолияtlари режалаштирилади. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикасидаги жиноий ҳолат, оператив вазият ва бўлғуси жиноятчиликка қарши кураш масалалари ҳал қилинади. Биз ҳам, транспорт воситаларини олиб қочиши жиноятининг ҳозирги замон ҳолатини баҳолашимизда бевосита Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг статистик маълумотларидан фойдаланамиз. Қуйида транспорт воситаларни олиб қочиши жиноятини сўнгти йилларда сони ва ҳолати, шунингдек бошқа маълумотларни келтириб ўтамиз.

Шу ўринда, автотранспорт воситаларини ўғирлаш ва олиб қочиши жиноятларини дунёнинг ривожланган давлатларида содир этилиш тўғрисидаги статистик маълумотларни келтириб ўтсак. 2020 йил давомида АҚШда 737 780 та, Бразилияда 251 851 та, Ҳиндистонда 165 690 та, Францияда 161 512 та, Германияда 50 440 та, Россияда 55 680 та ҳамда Японияда 35 959 та автотранспорт воситаларини ўғирлаш ва олиб қочиши жиноятлари қайд этилган¹. Бу кўрсатгичлар албатта мазкур турдаги жиноятни дунёнинг ривожланган давлатларини ҳам четлаб ўтмаётганлигини, ушбу жиноятга қарши курашишни барча давлатларни ҳам ўйлантираётганлигини кўришимиз мумкин.

Аммо статистик маълумотларга кўра, Россия Федерациясида 2021 йилда 2020 йилга нисбатан автотранспорт воситасини ўғирлаш ва олиб қочиши жинояти 33% га камайган².

Мазкур турдаги жиноятларни олдини олиш бўйича хорижий тажриба ўрганилганда Россия Федерациясида ҳозирги вақтда автотранспорт воситаларини мажбурий суғуртасидан ташқари “КАСКО” номли суғурта компанияси мавжуд бўлиб, ушбу компания автотранспорт воситаларини ўғирлаш ва олиб қочишдан химоя қилиш учун ихтиёрий суғуртани йўлга қўйган³.

Ўзбекистон Республикасида ҳам мазкур турдаги жиноят айрим худудларда ошган. Хусусан, Республикаизда ушбу жиноят 2017 йилда 225 та қайд этилган бўлиб, шундан 15 таси яъни 6,47 % жиноят, 2018 йил 161 та қайд этилган бўлиб, шундан 9 таси яъни 5,49 % жиноят, 2019 йил 124 та қайд этилган бўлиб, шундан 2 таси яъни 1,49 %

¹ <https://www.ugona.net/article/statistika-ugonov-v-mire-397.html>.

² <https://rosinfostat.ru/ugon>.

³ https://www.banki.ru/insurance/order/auto/type/kasko/kasko_ot_ugona/.

жиноят, 2020 йил 155 та қайд этилган бўлиб, шундан 9 таси яъни 5,45 % жиноят ҳамда 2021 йил 228 та қайд этилган бўлиб, шундан 3 таси, яъни 1,44 % жиноятлар фош этилмай қолган⁴.

Автотранспорт воситасини ўғирлаш ва олиб қочиш жиноятини Республикализ вилоятлари кесмида таҳлил қиласиган бўлсак 2021 йил якунига кўра жами 10 та вилоятда мазкур турдаги жиноят 2020 йилга нисбатан ошган. Масалан, автотранспорт воситасини ўғирлаш ва олиб қочиш жинояти 2021 йилда 2020 йилга нисбатан Тошкент вилоятида 30% га (33 тадан 43 тага), Тошкент шаҳрида 40% га (35 тадан 49 тага), Жиззах вилояти 200%га (1 тадан 3 тага), Навоий вилояти 1000% га (1 тадан 11 тага), Фарона вилояти 20% га (30 тадан 36 тага), Андижон вилояти 54,55% га (11 тадан 17 тага), Наманган вилояти 226,67% га (6 тадан 22 тага), Сурхандарё вилояти 75% га (4 тадан 7 тага), Қашқадарё вилояти 233,33% га (3 тадан 10 тага) ҳамда Хоразм вилоятида 500% га (1 тадан 6 тага) ошган бўлса, мазкур жиноят Республика бўйича 47,10% га яъни 155 тадан 228 тага ошганлигини кўришимиз мумкин. Энг ачинарлиси 2020 йил автотраспорт воситасини ўғирлаш ва олиб қочиш жиноятининг 9 таси фош этилмай қолган бўлса, 2021 йил 3 та автотранспорт воситасини ўғирлаш ва олиб қочиш жиноятини фош этилмаган⁵.

Биз юқорида содир этилган жиноятларга оид статистик маълумотлар, Ички ишлар органларида жиноятчиликка қарши курашда муҳим аҳамият касб этиши, яъни, бевосита худудда содир этилган жиноятларга оид статистик маълумотлардан келиб чиқсан ҳолда ички ишлар органларининг бўлажак фаолиятлари режалаштирилиши хусусида тўхталиб ўтган эдик. Ушбу фикрни маълум бир жиноят мисолида тушунтирадиган бўлсак, яъни бирон бир жиноятнинг (*масалан, транспорт воситаларини олиб қочиши*) қайси вақтда кўпроқ содир этилиши, кимлар томонидан содир этилиши, асосан қаерларда, содир этилади ва бошқа шу каби маълумотлар ўрганилиб, бу маълумотлардан келиб чиқсан ҳолда Ички ишлар органларининг жиноятчиликка қарши кураш вазифаси белгиланса, албатта, жиноятчиликка қарши кураш самарадорлиги юқори даражаларга кўтарилади.

Жиноятчиликка қарши курашиш тарихи гувоҳлик беришича, оғир ва ўта оғир жиноятларни ўз вақтида аниқлаш, олдини олиш ва фош этиш, яширган жиноятчиларни қидириб топиш фақат ошкора жиноят процессуал ва бошқа воситалар етарли бўлмасдан, бошқа самарадор воситаларни қўллаш тақазо этади. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар учун нафакат содир этилган жиноятларни фош этиш, балки жиноий ҳодиса ва жараёнларни ривожланиши устидан назорат ўрнатиш муҳим вазифа ҳисобланади. Жиноятчиликка қарши курашнинг илмий жиҳатдан замонавий ташкил қилиш даражаси ички ишлар органлари турли хизмат ва бўлинмаларнинг узлуксиз ҳамкорлигини тақозо этади. Бу жиноятларнинг олдини олиш, очиш, яширган жиноятчиларни қидириш ва ушлаш учун комплекс чораларнинг муҳим шарти бўлиб хизмат қиласи. Ҳамкорликнинг аҳамияти шу билан белгиланади, Ички ишлар органи тизими олдида турган жиноятчиликка қарши кураш мақсадида фақаттана ўзларининг аниқ функционал вазифалари уюшқоғлиги ва ҳаракат усуллари билан ажralиб турдиган турли хил органлар, хизматлар ва бўлинмаларнинг биргаликда келишилган ҳаракатлари билан эришиши мумкин. Уларнинг доимий ва мустаҳкам ҳамкорлигисиз жиноятчиликка қарши курашда комплекс чораларни ташкилий суратда амалга ошириши мумкин эмас. Демак, ички ишлар органлари тизими доирасидаги органлар, хизматлар ва бўлинмалар ҳамкорлиги жиноятчиликка қарши курашни амалга оширишда объектив зарурат бўлиб ҳисобланади.

Шахар, туман ички ишлар органлари томонидан айрим жиноятларнинг олдини олиш, очиш, жиноятчиларни қидириш ва ушлаш жараённида ҳамкорликни ташкил қилиш ва бир-бирини қўллаб-кувватлаш барча учун умумий, бироқ топширилган вазифаларни муваффақиятли бажариш мақсадида амалга ошириладиган жиноят қидирив аппаратлари, навбатчилик қисми, тергов, ДИҲХХ, ЖТСБ, ХПБ ва бошқа бўлинмаларнинг биргаликдаги ва келишилган ҳаракатларидан иборатдир. Бундай ҳамкорлик аниқ ифодаланган тезкор-тактик хусусиятга ва ички ишлар органларининг қуий бўғинлари фаолиятига таалуқлидир.

⁴ Ўзбекистон Республикаси ИИВ статистика ва тезкор-хисоб маълумотлар маркази ҳисоботлари.

⁵ Ўзбекистон Республикаси ИИВ статистика ва тезкор-хисоб маълумотлар маркази ҳисоботлари.

Тезкор-қидирув фаолиятининг илмий жихатдан ташкил қилишнинг муҳим элементи тезкор бўлинмаларининг ўзаро ва ички ишлар органларининг хизматлари билан ҳамкорлигидир. Шундай ҳамкорликни ташкил қилишда жиноят қидирув бўлинмаларининг ҳуқуқ доираси муҳим роль йўнайди, улар зиммасига амалдаги қонунлар ва қонуний норматив актлар асосида маълум криминал гурухлар билан курашни ташкил қилиш юкландади. Шуни ҳисобга олган ҳолда ҳудудий ички ишлар органларининг тезкор-қидирув хизмати ходимлари фақат ўз иш йўналиши бўйича тезкор қидирув фаолиятини амалга оширибгина қолмай, балки белгиланган жиноятчиликка қарши курашда ички ишлар органлари бошқа хизматларининг куч ва воситаларини жалб қиласидар, жиноятларнинг олдини олиш ва очиш бўйича биргаликда ўtkazilgan тадбирларда ва унда қатнашувчиларнинг ҳаракатларига бевосита раҳбарлик қиласидар, тезкор хизмат вазифаларини комплекс ҳал қилиш манфаатларини кўзлаб Ички ишлар органлари раҳбарларига бошқа бўлинмаларнинг куч ва воситаларини самарали равишда жой жойига қўйиш ва улардан турли мақсадларда фойдаланиш хусусида таклифлар киритадилар. Бошқача қилиб айтганда, жиноят қидирув бўлинмалари ўз хизмат йўналишлари бўйича жиноятчиликка қарши курашда комплекс чораларнинг ташкилотчилари бўлиб хизмат қиласидар.

Жиноят қидирув бўлинмаларининг тезкор ходимлари жиноятчиликка қарши курашда комплекс яъни ҳамкорликда чора тадбирларни амалга оширадилар:

- Ички ишлар органларининг бошқа хизмат ва бўлинмалари билан жиноят қидирув ва коррупция, рекет, гиёхвандлик ва терроризмга қарши кураш учун қизиқиш ўйғотадиган шахслар ҳамда фактларни аниқлаш вазифасини бажаришда ИИВ, ИИБ, ТИИБнинг тезкор бўлинмалари яширин жиноятларни топиш, жиноятчилар ва уларнинг кўмакчиларини аниқлаш. Ички ишлар органларининг Жиноят қидирув ва бошқа хизматларининг биргаликдаги ёки келишилган ҳаракатларнинг амалга ошишини ташкилластириш ва баҳолашни жиноятчиликка қарши курашда улардан амалий фойдаланиши;
- Ички ишлар органлари соҳавий хизматлари билан автотранспорт воситаларини ўғирлаш ва олиб қочиши, ўғирланган ва олиб қочилган транспорт воситасини қидириб топиш, уларнинг олдини олиш ва бошқа турдаги жиноятларга йўл қўймаслик;
- Олиб қочилган транспорт воситаларининг эҳтиёт қисмларини сотиш жойлари ва жиноят элементларининг пайдо бўлиши мумкин бўлган бошқа жойларда биргаликда тезкор кузатув уюштириш бўйича келишувдаги нормаларни ташкил қилишни ва бошқа бир қатор вазифаларни самарали бажаришни йўлга қўйиш лозим.

Ички ишлар органлари тезкор ходимлари транспорт воситаларини олиб қочиши жиноятларига қарши курашда асосан ДИХХХ, ХПБ профилакти инспекторлари ҳамда ППХ ва ЖТСБ ходимлари билан ҳамкорликда олиб боради. Албатта, ушбу хизматларнинг жиноятчиликка қарши курашда, айниқса транспорт воситаларини олиб қочиши жиноятига қарши курашда ҳамкорликда олиб борадиган фаолияти ўзининг ижобий самарасини беради. Чунки, тезкор ходимларнинг ҳам, ДИХХХ, ХПБ профилакти инспекторлари ҳамда ППХ ва ЖТСБ ходимларининг ҳам асосий фаолият йўналишларидан бири, транспорт воситаларини олиб қочиши жиноятларининг олдини олиш, содир этилган жиноятларни тез ва тўла очиш, ҳамда самарали кураш олиб боришидир.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси транспорт воситаларини олиб қочиши жиноятига қарши курашни кўзда тутувчи энг асосий ҳуқуқий манбалардан биридир. Чунки, айнан ушбу қонунда транспорт воситаларини олиб қочиши жиноят жиноят сифатида эътироф этилиб қонун чиқарувчи томонидан алоҳида модда билан белгиланган.

Ўз навбатида Жиноят кодекси нафақат транспорт воситаларини олиб қочиши жиноятига, балки бошқа барча турдаги жиноятларга қарши курашда муҳум аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг асосий вазифалари шахсни, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият ва давлат манбаатларини, мулкни, табиий муҳитни, тинчликни, инсоният хавфсизлигини жиноий тажовузлардан қўриқлаш, шунингдек жиноятларнинг олдини олиш, фуқароларни Республика Конституцияси ва қонунларига риоя қилиш руҳида тарбиялашдан иборатбир. Ана шу вазифаларни амалга ошириш учун Кодекс жавобгарликнинг асослари ва принципларини, қандай ижтимоий хавфли қилмишлар жиноят эканларини аниқлайди, ижтимоий хавфли қилмишлар содир этган шахсларга нисбатан қўлланиши мумкин бўлган жазо ва бошқа ҳуқуқий

таъсир чораларини белгилайди⁶.

Транспорт воситаларини олиб қочиш жиноятларига қарши курашнинг ташкилий-хуқуқий асосларидан бири сифатида, албатта, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят процессуал кодексини алоҳида айтиб ўтиш лозим. Ушбу қонуннинг вазифалари ҳам жиноятларни тез ва тўла очишдан, жиноят содир этган ҳар бир шахсга адолатли жазо берилиши, ҳамда айби бўлмаган ҳеч бир шахс жавобгарликка тортилмаслиги ва ҳукм қилинмаслиги учун айбордларни фош этишдан ҳамда қонуннинг тўғри тадбиқ этилишини таъминлашдан иборатdir.

Жиноят ишларини юритишнинг Жиноят-процессуал қонунларда белгиланган тартиби қонунийликни мустахкамлашга, жиноятларнинг олдини олишга, шахс, давлат ва жамият манфаатларини ҳимоя қилишга ёрдам қилмоғи лозим⁷.

Бизга маълумки, Ички ишлар органлари тезкор-қидирув бўлинмалари ходимлари ҳам, ДЙХХХ, ХПБ профилакти инспекторлари ҳамда ППХ ва ЖТСБ ходимлари ҳам транспорт воситаларини олиб қочиш жиноятларига қарши курашда, уларнинг олдини олиш ва очища асосан ҳамкорликда тезкор қидирув ишларини олиб бориб жиноятчиларни аниқлаш ва қидириб топиш вазифаларини бажарадилар.

Тезкор-қидирув фаолиятининг асосий вазифалари ҳам қонун нормалари билан белгиланган бўлиб, бу вазифалар бевосита тезкор ходимларнинг ва ДЙХХХ, ХПБ профилакти инспекторлари ҳамда ППХ ва ЖТСБ ходимларининг фаолиятига ҳам таълуқлидир. Ўзбекистон Республикасининг “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги қонуннинг

2-моддаси⁸да Ички ишлар органлари ходимларининг асосий вазифаси берилган бўлиб, унда:

Ички ишлар органларининг асосий вазифалари фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини, жисмоний ва юридик шахсларнинг мулкини, конституциявий тузумни ҳимоя қилишдан, қонун устуворлигини, шахс, жамият ва давлатнинг хавфсизлигини таъминлашдан, шунингдек ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикасидан иборат эканлиги кўрсатиб ўтилган.

Бундан ташқари тезкор қидирув фаолиятининг вазифалари Ўзбекистон Республикаси «Тезкор қидирув фаолияти тўғрисида»ги қонуннинг 4-моддаси⁹да белгиланган бўлиб, улар қуйдагилардан иборат:

- инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари, юридик ва жисмоний шахсларнинг молмулки ҳимоя қилинишини, шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини таъминлаш;
- жиноятларнинг олдини олиш, уларни аниқлаш, уларга барҳам бериш ва уларни фош этиш, шунингдек жиноятларни тайёрлаш ва содир этишга дахлдор шахсларни аниқлаш ҳамда топиш;
- суриштирув, тергов органларидан ва суддан яшириниб юрган, жиноий жазодан бўйин товлаётган шахсларни, бедарак йўқолган шахслар ва қонунчиликда назарда тутилган холларда бошқа шахсларни қидиришни амалга ошириш, шунингдек таниб олинмаган мурдаларнинг шахсини аниқлаш;
- шахс, жамият ва давлат хавфсизлигига таҳдид солаётган шахслар, ҳодисалар, ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) ҳақида ахборот тўплашдан иборат¹⁰.

Ички ишлар органлари тезкор бўлинмалари зиммасига жиноят аломатларини ва жиноят содир этган шахсларни топиш, Жиноят процессуал кодексининг қоидаларига мувофиқ текширилиб чиқилганидан сўнг жиноят иши юзасидан далил тариқасида фойдаланиш мумкин бўлган маълумотларни аниқлаш мақсадида илмий-техника воситаларини қўллаган ҳолда зарур чораларни кўриши юклатилади. Ички ишлар ва давлат хавфсизлик хизмати органлари бу мақсадбда тезкор қидирув чораларини ҳам кўришга ҳақлидир. Суриштирув, дастлабки тергов жараёни учун кўмакдош тезкор қидирув, жиноятнинг олдини олиш ва жиноят иши бўйича мавжуд далилларни йиғиб, уларни сақлаб кўйиш, жиноят содир этган гумон қилинувчиларни аниқлаб, ушлаш, қочган айбланувчиларни ва гумон қилинувчиларни

⁶ Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига шарҳлар, Т., 2016, 9 - б.

⁷ Ўзбекистон Республикасининг Жиноят працессуал кодекси. Т., 2021. 2-модда.

⁸ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й. – № 38. – 438-м. <https://lex.uz>.

⁹ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й. – № 52. – 585-м. <https://lex.uz>.

¹⁰ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й. – № 52. – 585-м. <https://lex.uz>.

аниқлаб, ушлаш, жиноятдан келтирилган зарарни қоплаш мәксадида ўтказиладиган ҳаракатлар тизими бўлиб, бевосита дастлабки тергов олдига қўйилган вазифаларни амалга оширишга ёрдам беради.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Ички ишлар органлари тезкор ходимлари жиноятчиликка, хусусан транспорт воситаларини олиб қочиш жиноятларига қарши курашда асосан процесдуал тартибда бўлмаган тезкор қидирув тадбирларини кўрадилар. Ушбу ўринда жиноят процесдуал ва тезкор қидирув тадбирлари жараёнида қўлга киритилган натижаларнинг таърифи тўғрисида айтиб ўтиш лозим. Ошкора ҳолда жиноят процесдуал ҳаракатларини ўтказиши натижасида жиноят иши бўйча шундай фактик маълумотлар аниқланадики, уларни далил сифатида ишлатиб шу ишни ҳал қилиш масаласини ечиш имкониятлари вижудга келади.

Ушбу маълумотлар иш бўйича йўналтирувчи аҳамиятга эга бўлиб, уларнинг асосида тергов тусмоллари тузилади, жиноят иши бўйича ўтказилаётган дастлабки тергов режалаштирилади, далилларни олиш манбаларининг чегараси белгиланади, дастлабки терговдан қочган айбланувчилар ва жиноят иши бўйича муҳим аҳамиятга эга далилий ашёларни топиш учун қидирув чоралари белгиланади. Шунингдек, бошқа бир қатор масалалар ҳам ҳал қилинади, аммо айбор шахснинг айбини фош қилиш, унинг айбини исботлаш бўйича амалга ошириладиган бу ҳаракатларни таъминловчи, кўмақдош рақамга эга бўлади¹¹.

Ички ишлар органлари оператив ходимлари жиноятчиликка қарши курашда, уларнинг олдини олиш ва очища бир қатор ноошкора усусларда фойдаланадилар. Сўров; маълумотлар тўплаш, тезкор кузатув, тураг жойларни ва бошқа жойлар, бинолар, иншоотларни, жойнинг участкаларини ва транспорт воситаларини текшириш ва бошқалар шулар жумласидандир. Сўров усули тезкор ходимларнинг транспорт воситаларини олиб қочиш жиноятига қарши курашда қўлладиган муҳим тадбирлардан биридир. Унинг моҳияти, масалан транспорт воситасини олиб қочган шахслар ёки шу факт тўғрисидаги баъзи маълумотлардан ҳабардор бўлган фуқаролар билан жиноятчиликка қарши курашда авволо, бирор шахснинг жиноят қилишини ният қилаётган, унга тайёрланган ёки содир қилган жиноятлари хақида маълумотлар олиш учун ўтказиладиган маҳсус сухбатдан иборатдир. Унинг ёрдамида давлат ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари жиноий тажовуздан ҳимоя қилинади, тезкор бўлимлар билан ҳамкорлик тартибида ёки ўз вазифаларини бажариш учун сўровни ўз ташабbusлари билан бошқа ҳизмат соҳа ходимлари ҳам ўтказадилар. Шунингдек, тезкор ходим транспорт воситаларини олиб қочиш жиноятининг олдини олиш ва очища ушбу тадбирни ўзи билан ҳамкорлик қилаётган ДИХХХ ходимига ўтказиши юклатиш мумкин¹².

Транспорт воситаларини олиб қочиш жинояти содир этилганда, уни муваффақиятли очиши учун, ушбу жиноятини содир эттан шахсларни тажовуз предметларини қидириб топиш тизимини тўғри на аниқ ташкил этиш керак, Шунингдек, оператив ходимлар ДИХХХ ходимлари ва бошқа ваколатли шахслар транспорт воситаларини олиб қочилганлиги факти тўғрисида маълумот келиб тушиши биланоқ, ушбу жиноятни иссиқ излар бўйича очишини ташкил этишлари лозим бўлади. Бунда олиб қочилган транспорт носиталарини аниқлаш ва қидириб топиш учун қуйидаги йўналишларда вазифалар белгиланиб олиш керак:

- 1) олиб қочилган транспорт воситаларининг ҳаракатланиши мумкин бўлган йўналишлари, худудлари (туман, шаҳар, вилоят) бўйича аниқлаш;
- 2) ушбу худуд ва йўналишларда ҳизмат олиб бораётган ходимларга олиб қочилган транспорт воситаси тўғрисидаги маълумотларни телефон ёки радиоалоқа воситалари ёрдамида етказиш;
- 3) транспорт воситаси олиб қочилган худудларда ва у ҳаракатланиши мумкин бўлган йўналишларда қўшимча блок постлар ва патруль гурухларини ташкил этиш;
- 4) олиб қочилган транспорт воситасини аниқлаш ва қидириб топишга жалб қилинган куч ва воситаларни белгиланган кўрсатма асосида ҳаракат қилишларини таъминлаш;

¹¹ Астонова Л. “Жиноят процесси ва шахснинг ҳуқуқий мавқеъи”. Ўкув қўлланма. Т. 1997, 23-б.

¹² Козаченко И. П. Тактика применения средств и методов ОРД и расследованін преступлений. Учебное пособія, Киев., 1998. – С. 46.

5) ҳудуд профилактика нозири ва жамоатчилик вакилларини ушбу жиноят тўғрисидаги маълумотлардан хабардор қилиш;

6) лозим бўлганда вертолётларда патруллик қилиш гурухларини ушбу жиноятни бартараф қилишга жалб қилиш.

Албатта олиб қочилган транспорт воситаларини аниқлаш ва қидириб топиш режаси, унда белгиланган чора-тадбирлар жиноят қидириув аппаратининг тезкор ходимлари, ДИХХХ ходимлари ва бошқа иштирокчилар билан ҳамкорликда ишлаб чиқилади ва амалга оширилади.

Олиб қочилган транспорт воситаларини қидириб топиш тадбирининг мувоффақиятли якунланишида тезкор тергов гурухининг жиноят жойига ўз вақтида зудлик билан етиб келиши ва кечиқтириб бўлмас тергов ва тезкор тадбирларни амалга ошириши мухим аҳамият касб этади. Бу ерда тезкор- тергов гурухи таркибига терговчи, тезкор ходим, ДИХХХ ходими, эксперт криминалист, кинолог, мутахасислар киради. Уларнинг ҳар бири ўз вазифаларига эга.

Терговчи – воқеа жойини кўздан кечиради, гурухнинг бошқа иштирокчиларини жиноят изларини ва бошқа ашёвий далилларни аниқлашлари ва бошқа ҳаракатларига раҳбарлик қиласидар;

Эксперт – криминалист терговчига жиноятга алоқадор изларни аниқлаш ва олишга, уларни сақлашга ёрдам беради;

Жиноят қидириув ходими жиноят иши бўйича суриштирув ишларини олиб боради, гувоҳларни аниқлаб уларни сўроқ қиласидар, жиноятчининг ҳаракатланиши мумкин бўлган йўналишларни аниқлайди;

ДИХХХ ходимлари касбий билимлари, тасаррӯфидаги воситалар, усуслар, ҳисоб маълумотлардан фойдаланиб олиб қочилган транспорт воситаларининг тахминий йўналишини аниқлайдилар, жиноятчиларни излаш ва қўлга олишда қатнашадилар.

Ички ишлар органлари тезкор бўлинма ходимлари жиноят содир этилган худуддан аҳоли орасида суриштирув ишларини олиб бориб, аниқланган маълумотлар бўйича олиб қочилган транспорт воситасининг қидирувини фаол равища олиб борадилар. Шунингдек, тезкор ходим прафилактика инспектори, йўл ҳаракати хавфсизлиги ходимлари билан ҳамкорликда ошкора равища яшаш жойларида уйларни, гаражларни, омборхоналарни, ўз уйларида транспорт воситаларини созлаш билан шуғилланадиган, автотранспорт воситалари эҳтиёт қисмларининг олди-сотдиси билан шуғилланадиган шахсларнинг хонадонларини кўздан кечирадилар.

Транспорт воситаларини олиб қочиш жиноятини очища жиноят содир этилган жойни кўздан кечириш ва жиноят изларини аниқлаш мухим аҳамият касб этади. Агар жиноят содир этилган жойни кўздан кечиришда қўл излари аниқланадиган бўлса, тезкор ходим тезлик билан ушбу қўл изини тегишли тезкор ҳисоблардан, шунингдек жиноят содир қилган мукаддам судланганлар орасидан текшириб жиноятчи шахсни аниқлайди.

Бу эса ўз навбатида тезкор ходимларнинг автотраснпорт воситаларини ўғирлаш ва олиб қочиш жиноятларига қрши кураш фаолиятининг самарадорлигиниянада оширишга хизмат қиласидар.

Олиб борилган илмий тадқиқотлар натижасида ҳозирда мазкур турдаги жиноятларни содир этилишига сабаб бўлаётган қуйидаги омиллар аниқланди:

- виктимологик яъни автотранспорт восиларининг эгалари бепарволик қилиб автомашинасининг калитини ўзида автомашина замогида қолдириб эшигини қулфламаган холатда яшаш хонадонларига, савдо шахобчалари ва бошқа бинолар олдига қолдириб кетиши натижасида;

- ҳозирги ривожланган замон талабларига жавоб бермайдиган автотранспорт воситаларининг мавжудлиги (эски масквич, жигули). Ушбу турдаги автомашиналарнинг эшигини очиш осонлиги ва уларни қўриқлаш тузулмалари йўқлиги;

- фуқаролар ўртасидаги турли хил пул олди-берди муносабатларининг ечими автотранспортлар билан боғлиқ бўлаётганлиги, автотранспортни бевосита ўзи билан боғлиқ олди-сотди пирамидаси мавжудлиги сабабли қарзини тўламаса ўрнига автомашинани олиб кетиб қолиниши;

- ҳозирда Республикализни барча вилоятларида кўп қаватли уйлар қурулаётган бўлсада, мазкур кўп қаватли уйларга яшовчи фуқароларга автомашиналарини сақлаш учун автотурагохларга жой ажратилмаётганлиги;

- автомашиналарни ювш шахобчаларига автомашиналарни узоқ вақтга ювш учун ташлаб кетилаётганлиги нажисида у ердаги ишчилар томонидан автомашинани ноқонуний бошқаришга

бўлган иштиёқни шакллантираётганлиги;

– фуқароларда жумладан, бозорларда ва бошқа автомашиналарни эҳтиёт қисмларини сотувчи дўконларда автомашиналарни ишлатилган эҳтиёт қисмларини сотиб олишга бўлган эҳтиёжнинг мавжудлиги;

– ёшлар ўртасида автомашина бошқаришга бўлган қизиқишнинг юқорилиги ва улар томонидан мазкур эҳтиёжни қондириш мақсадида қаровсиз қолган автомашиналарни олиб қочаётганлиги;

Автотранспорт воситасини ўғирлаш ва олиб қочиш жиноятини содир этилишига сабаб бўлаётган юқоридаги омиллардан келиб чиқган ҳолда ушбу жиноятларни ички ишлар органлари тезкор бўлинмалари томонидан олдини олиш ва фош этилиши самарадорлигини ошириш мақсадида қуидаги илмий ва амалий таклифларни бермоқчиман:

биринчидан, мазкур жиноятни фош этиш бўйича жиноят қидирув бўлинмалари ва терговга қадар текширув органлари ходимларининг касбий тайёргарлигини ошириш мақсадида мунтазам ўкув машғулотларини ўтказиш;

иккинчидан, жиноят қидируг бўлимининг тезкор ходимлари ўртасида бундай жиноятларни содир этишга ихтисослашган шахслар тўғрисида маълумот тўплашга имкон берадиган ушбу фаолият соҳасида кучли тезкор позицияларни яратиш;

учинчидан, ички ишлар органлари тезкор бўлинмаларини олиб қочилган транспорт воситаларини тезда аниқлаш ва қидириб топиш учун бошқа хизмат соҳалар билан ҳамкорлигини самарали ташкил этиш;

тўртингчидан, Узбекистон Республикаси Жиноят кодексининг
267-моддаси гипотезасидаги “Транспорт воситасини олиб қочиши” сўзини “Транспорт воситасини

олиб қочиш ва ўғирлаш” сўзига алмаштиришни қонунчиликка таклиф сифатида киритиш лозим. бешинчидан, амалиётда траснпорт воситаси олди-сотдиси билан боғлиқ муаммволи ҳолатлар кўплаб учраб туради. Айниқса траснорт воситасини насияга олди-сотди қилиш натижасида битта автомашина бир неча фуқаролар ихтиёрига ўтиши ҳолатлари кўплаб учрайди ва улар ўртасида пул билан боғлиқ муаммволи ҳолатлар юзага келади. Мазкур муамони ечими сифатида жабрланаётган фуқаро траснорт воситасини охирги бошқараётган фуқарога билдиримасдан ўзбошимчалик билан транспорт воситасини олиб қочиб кетиши, ўғирлаш ҳолатлари кўплаб учрамоқда. Шу сабабли, Жиноят кодексининг 267-моддасига алоҳида бир қисм сифатида, “транспорт воситасини ўзбошимчалик билан олиб кетиш ёки яшириш”ни киритиб, қонунда бунинг учун жавобгарликни белгилаш лозим.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига шарҳлар, Т., 2016, 9 - б.
 2. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси. Т., 2021. <https://lex.uz>.
 3. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й. – № 38. – 438-м. <https://lex.uz>.
 4. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й. – № 52. – 585-м. <https://lex.uz>.
 5. Астонова Л. “Жиноят процесси ва шахснинг ҳуқуқий мавқеъи”. Ўқув қўлланма. Т. 1997, 23-б.
 6. Козаченко И. П. Тактика применения средств и методов ОРД и расследованін преступлений. Учебное пособія, Киев., 1998. – С. 46.
 7. <https://www.ugona.net/article/statistika-ugonov-v-mire-397.html>.
 8. <https://rosinfostat.ru/ugon>.
 9. https://www.banki.ru/insurance/order/auto/type/kasko/kasko_ot_ugona/.
 10. Ўзбекистон Республикаси ИИВ статистика ва тезкор-хисоб маълумотлар маркази хисоботлари.